

**«ИННОВАЦИОН ТАДБИРКОРЛИК – ТАРМОҚ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ ОМИЛИ» мавзусидаги**

МАЪРУЗА

Маърузачи:

Ғ.Дусмуратов

Тошкент– 2020

III -мавзу. ИННОВАЦИОН ТАДБИРКОРЛИК – ТАРМОҚ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛИ

- Режа

- 3.1. Инновацион соҳада тадбиркорлики ривожлантириш
- 3.2. АСМда венчур инновацион бизнес
- 3.3 Бизнес-режаларнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил этиш

- **3.1. Инновацион соҳада тадбиркорликни ривожлантириш**
- Мамлакатимиз агросаноат мажмуида инновацион тадбиркорликни ривожлантириш ва шакллантириш илмий-техник соҳа билан қишлоқ хўжалигини тизимли интеграциялашни назарда тутади. Бунинг учун тармоқни аниқ ва самарали бошқариш, илмий-техник соҳани ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига самарали инновацияларни барқарор кириб келишини таъминлаш талаб этилади.
- Тадбиркорликни шакллантиришнинг хўжалик амалиёти ҳамда аграр соҳада фаннинг ривожланиш даражаси бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар даражасидан сезиларли даражада ортда қолмоқда. АСМда фаолият кўрсатаётган илғор тадбиркорлик фаолияти субъектларини ҳамда хорижий фирмаларнинг ривожланиш механизмини тадқиқ этиш кўрсатиб турибдики, фақат инновациялардан фойдаланиш асосида аграр соҳада тадбиркорликни юқори рақобатбардош даражада барқарор ривожлантириш мумкин.

- Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигига тадбиркорлик структураларининг инновацион фаоллигини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик корхоналарининг инновационлик даражасини баҳолаш қийинчиликлар туғдирмоқда. Мавжуд методикаларни асосан саноат ва қайта ишлаш соҳасида қўллаш имконияти мавжуд. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тармоғи хусусиятларини ҳисобга олишга ҳамда корхона ичидаги инновацион жараёнларни ривожлантиришнга таъсир этувчи омилларни комплекс тадқиқ этишга имкон берадиган методикалар ишлаб чиқиш зарур.
- Бугунги кунда АСМда олиб борилаётган тадбирларга қарамасдан инновацион соҳасини ривожлантириш ҳолатини қониқарли деб бўлмайди. АСМ соҳасида, хусусан қишлоқ хўжалигига ҳали инновацион фаолиятни молиялаштиришга зарур шарт-шароитлар яратилгани йўқ, шунинг учун корхоналарнинг инновацион фаоллиги улуши пастлигича қолмоқда.

- Қишлоқ хўжалигида кичик тадбиркорлик структуралариини инновацион ривожлантириш муаммолари тўғрисида тўхталиш мақсадга мувофиқ. Қишлоқ хўжалигида асосий тадбиркорлик фаолияти субъекти фермер хўжаликлари ҳисобланади. Уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими ишлаб чиқилган. Аммо фермер хўжаликларини инновацион ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган кўпчилик ҳал этилмаган муаммоларга мавжуд, улардан асосийларига қуидагиларни киритиш мумкин: маҳсулот реализацияси мураккаблиги, молиявий ресурслар тақчиллиги, профессионал йўналтирилган юқори малакали ходимлар етишмаслиги, илмий изланишлар ўтказиш учун илмий-техник базанинг кучсизлиги, кўп ҳолларда унинг тўлиқ йўқлиги, инновацион технологиялар тўғрисидаги ўз вақтида ва қулай ахборотларнинг етарли эмаслиги.

- **3.2. АСМда венчур инновацион бизнес**
- Венчур капитали турли хил инновация лойиҳаларини молиялаштириш манбай сифатида 50-йилларнинг ўрталарида АҚШда, Силикон водийсида, замонавий информатика ва телекоммуникациялар бешиги деб аталаған жойда вужудга келди. 1,5 млрд. АҚШ доллари қийматидаги янги кремний транзисторини ишлаб чиқариш лойиҳаси биринчи лойиҳалардан бўлган эди. Айнан венчур капитали Apple Computer, DEC, Compaq, Sun Microsystems, Federal Express, Microsoft ва бошқа шу каби муваффақият қозонаётган компанияларнинг ривожланишига кўмаклашди ва шахсий компьютерлар ва биотехнологияларни ишлаб чиқариш каби янги саноат тармоқларининг кескин ўсишига имкон берди. Ҳозирда АҚШ венчур капитали 34,8 млрд. АҚШ долларидан ортиқдир.
- Кредитлашдан яна бир фарқи шундаки, венчур инвестициялари, одатда, кичик ва ўрта корхоналарга ҳеч қандай гаровсиз берилади.

- Бундай типдаги инновация инвестициялашнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундан иборатки, венчур жамғармасининг бошида турувчи венчур капиталисти акцияларини сотиб олаётган компанияга ўз маблағларини қўймайди. Венчур капиталисти бир грух инвесторлар билан тадбиркор ўртасидаги воситачи ҳисобланади ҳамда венчур жамғармаси томонидан олинадиган фойда уларнинг улушларига мувофиқ жамғармани ўзининг инвесторларига мўлжалланган бўлади.
- Венчур жамғармаларнинг ананавий инвесторлари (масалан АҚШда) хусусий омонатчилар, инвестиция институтлари, пенсия жамғармалари, суғурта компаниялари, шунингдек турли ҳукумат агентликлари ва халқаро ташкилотлар ҳисобланади.
- Шундай қилиб, венчур жамғармлар фаолияти инвесторларнинг маблағларини инновация лойиҳаларини молиялаштиришга қаратиб, инвесторлар, илмий ташкилотлар ва ишлаб чиқаришни бир бутун қилиб бирлаштиришга имкон беради.

- **3.3 Бизнес-режаларнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил этиш**
-
- Бизнес-режа ёки инвестицион лойҳанинг самарадорлиги кўрсаткичлари лойиҳа қарорларини техникавий, технологик ва ташкилий нуқтаи назаридан тавсифлаб беради.
- Лойиҳа самарадолиги лойиҳанинг жалб этиладиган ҳамкорлар учун жозибадорлигини аниқлаш ва молиялаш манбаларини қидириш мақсадида баҳоланади.
- У ўз ичига қуйидагиларни олади:
 - лойиҳанинг тижорат самарадорлиги
 - лойиҳанинг ижтимоий (ижтимоий-иқтисодий) самарадорлиги
 - Инвестициялар самарадорлигини баҳолаш инвестицион қарорлар қабул қилиш жараёнидаги масъулияти энг юқори бўлган босқичлардан биридир.

- Реал инвестициялар самарадорлигини баҳолашда хорижда амал қилувчи, сўнгги пайтларда Ўзбекистонда ҳам қўллана бошлаган асосий тамойил ва услубий ёндашувларни кўриб чиқамиз.
- **Бундай тамойиллардан бири** инвестиция қилинган капиталнинг пул оқими кўрсаткичи (cash flow) асосида қайтарилишига боғлиқ бўлиб, инвестиция лойиҳасини эксплуатация қилиш давомида амортизация ажратмалари ва соф фойда ҳисобига шаклантирилади. Бунда пул оқими кўрсаткичи инвестиция лойиҳасининг ҳар бир йили бўйича алоҳида ёки ўртача йиллик кўрсаткич сифатида баҳоланиши лозим.
- **Баҳолашнинг иккинчи тамойили** инвестиция қилинувчи капитални ҳам, пул оқимлари миқдорини ҳам пул маблағларининг ҳозирги қийматига келтиришdir. Бир қарашда инвестиция қилинувчи маблағлар доимо ҳозирги қийматида акс эттирилган бўлади, чунки пул оқимлари шаклида уларни қайтариш муддатидан анча олдин киритилади.

- **Баҳолашнинг учинчи тамойили** турли инвестиция лойиҳалари учун пул оқимларини дисконтлаш жараёнида дифференцияланган фоиз ставкасини (дисконт ставкасини) танлаш ҳисобланади. Юқорида айтиб ўтилганидек, инвестициялардан олинувчи даромад ҳажми (реал инвестициялашда бундай даромад вазифасини пул оқимлари бажаради) қуидаги тўрт омил асосида шакллантирилади: ўртача реал депозит ставкаси; инфляция суръати (ёки инфляция мукофоти); таваккалчиллик мукофоти; паст ликвидлик учун мукофот.
- Ва ниҳоят **баҳолашнинг тўртинчи тамойили** баҳолаш мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда дисконтлаш учун фойдаланилувчи фоиз ставкалари вариацияси ҳисобланади. Инвестициялар самарадорлигининг турли кўрсаткичларини ҳисоблашда дисконтлаш учун танлаб олинувчи фоиз ставкаси сифатида қуидагилардан фойдаланиш мумкин:

- ўртача депозит ёки кредит ставкаси; инфляция даражаси, таваккалчиллик даражаси ва инвестициялар ликвидлигини ҳисобга олган ҳолда инвестициялар даромадлигининг индивидуал нормаси; бошқа инвестиция турлари бўйича даромадликнинг муқобил нормаси; жорий хўжалик фаолияти бўйича даромад нормаси.
- Юқорида айтиб ўтилган тамойилларни инобатга олган ҳолда турли кўрсаткичлар асосида реал инвестициялар самарадорлигини баҳолаш услубиятини кўриб чиқамиз.
- Бирлашган миллатлар ташкилотининг саноат ривожланиши бўйича ташкилоти - ЮНИДО қошидаги саноат тадқиқотлари халқаро маркази томонидан тайёрланган «Лойиҳаларни баҳолаш бўйича кўрсатмалар»да тавсия этилган ва ҳозирда республикамизда кенг қўлланиладиган кўрсатгичлар тизими қуидагиларни ўз ичга олади:

- соф келтирилган (дисконтланган) даромад, NPV - Net Present Value;
- даромадлилык индекси, PI - Profitability Index;
- ички даромадлилык нормаси, IRR - Internal Rate of Return;
- ўзини қоплаш даври, PP - Payback Period

**E'TIBORLARINGIZ UCHUN
RAHMAT!**